

Агар истасанг, сенга яна зиёда қиламан



11:20 / 17.08.2019 3483

Умму Салама розияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга турмушга чиқишга рози бўлганларидан кейин ўғилларига валиюл амр сифатида бу никоҳга розилигини эълон қилишини айтганлар. Ўғиллари бу ишни бажарган.

Умму Салама розияллоху анҳонинг Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга никоҳланишлари тўртинчи ҳижрий сананинг Шаввол ойида бўлган.

Муслим ва Абу Довудлар Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишига уйланган пайтларида олдиларида уч кун турган эканлар ва:

«Албатта, сенга бундай қилишда аҳлингни ҳақир санаш йўқ. Агар хоҳласанг, сенга етти кун қиламан, агар сенга етти кун ажратсам, аёлларимга ҳам етти кун ажратаман», деган эканлар».

Муслимнинг ривоятида:

«Агар истасанг, сенга яна зиёда қиламан ва бунга яраша ҳисоб қиламан. Бикрга етти кун, жувонга уч кун», дейилган».

Ўшанда Умму Салама онамиз «Уч кун қилинг ва хотинларингизнинг олдига бораверинг», деган эканлар.

Аввал ҳам таъкидланганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама онамизга у кишининг эрлари Абу Салама розияллоҳу анҳу ўлганларидан кейин болалари кўплиги учун қийналмасин, деб уйланганлар.

Бунинг устига, Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ёшлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшларидан катта бўлган. Шунинг учун ҳам никоҳдан кейин у кишининг олдиларида уч кун турганларидан сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақни тушунтирганлар. «Уч кун турдим, шариатда кўрсатилгани шу. Олдинда ортиқча турмаслигим сени паст санаш эмас. Агар хоҳласанг, етти кун туришим ҳам мумкин, лекин сенга бундай қилсам, бошқа хотинларимга ҳам шундай қилишим керак бўлади», деган маънода гап айтганлар.

Умму Салама онамизнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «Уч кун қилинг ва хотинларингизнинг олдига бораверинг», деганлари у кишининг нақадар оқила ва ҳамма нарсани нозик англаб етадиган зот эканликларига далилдир.

Умму Салама онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларида ҳозир у нозир бўлиш учун ўзларини фидокорона тутар эдилар. Бу борада у киши ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам аямас эдилар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот» китобида Мутталиб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳантобдан ривоят қиладилар:

«Умму Салама мусулмонларнинг улуғининг олдиларига кечки пайт келин бўлиб кирди ва ўша кечаси қўл тегирмонида ун тортди».

Бу ҳол ҳам Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳонинг кимлигини яққол кўрсатади.

У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қилиниши лозим бўлган хизматга халақит берадиган кичик қизларини эмикдош акалари Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳуникига бериб юборган эдилар.

Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳонинг Сафина исмли қуллари бор эди. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга доимий хизмат қилиш шарти билан Сафинани озод қилдилар ва Сафина у зотга доимий хизматда бўлди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан